



“Тасдиқлайман”
“Фарғона сувқурилишинвест” ДМ

Бош муҳандиси

О.Абдуллаев

2022 й.

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

Танлов ҳужжати

Фарғона 2022 йил

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИШНОМА

ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

Танлов предмета: Фарғона вилояти Олтиариқ тумани “Зархал” МФЙ худудидаги Зархал кўчасидаги яшовчи 660 та аҳоли хонадони 60 гектардан ортиқ томорқа ерларига 3 дона тик суғориш кудуғи қуриш ишларига лойиҳа-смета хужжатлари таёрлаш (гидрология хулосаси олиш лойиҳа қиймати ичида). Танлов қиймати ҚҚС билан 40 800 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Тўловлар уч босқичда амалага оширилади.

Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.1 Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.2 Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Фарғонасувқурилишинвест” ДМ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. Фарғона ш. Ал-Фарғоний кучаси 92 уй Эл.адрес: far.invest@minwater.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, лойиҳа ташкилотлари иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

3.3. - ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари туғрисидаги маълумотлар;

- танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- лицензия, гувоҳнома

- иш стажи эга олий маълумотли қурилиш ёки ирригация мелиорация мутахассислига эга бўлган инженер-техник ходимлар, доимий ишловчи малакали ишчилар мавжудлиги.

- иштирокчи лойиҳа ташкилотининг молиявий аҳволи.

-лойихд ишларини бажариш учун

агар танлов предмета булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилиққа биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

- қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштарокчи" ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қием, "Буюртмачи" томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар қурсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ қурсаткичлар қурсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тулик бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ух^ш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- такдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар қунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

- танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Давлат харидлари тугрисидаги конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси тавдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига у^{зга}ртишлар киритилган санадан эътиборан камида у^н кунга узайгирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қурсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утқазиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

8.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров қелиб тушган санадан эътиборан икки иш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин қелиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

8.3 Таклифларни қуриб қикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма имзоланган кундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

8.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб қикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров қелиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тавдим этиши шарт.

8.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қурсатилган шартлар асосида тузилади.